

## Гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилишни ҳам ёки уларни ўтказишни ҳам қонун бевосита тақиқлайди.

Маълумки, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқаради.

Гиёхвандлик, наркомания, бангилик – наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу қилиш, аникроғи табиий ёки синтетик заҳарли моддалар (айрим дори моддалари)ни вақтинча ёки сурункасига истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати ҳисобланади. Гиёхвандлик организм соматик ва руҳий ҳолатининг чукур ўзгаришига сабаб бўлади ва гиёхвандни таназзулга олиб боради. Гиёхвандликда ўзини тўхтатиб бўлмайдиган даражада гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш майли пайдо бўлади, гиёхванд модданинг миқдорига нисбатан эҳтиёж, руҳий ва жисмоний боғлиқлик ортиб боради.

Гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилишни ҳам ёки уларни ўтказишни ҳам қонун бевосита тақиқлайди.

Шундай бўлсада, мазкур жиноятни турли усувларда содир қилаётган шахслар ҳам мавжудлиги ачинарлидир.

Хусусан, Ш.Ш қонунга хилоф равишда озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёхвандлик воситасини тайёрлаш, сақлаш ва ўтказиш мақсадида, 2024 йил 5 октябрь куни Данғара тумани, Доимобод МФЙ ҳудудидан оқиб ўтган зовур четида ёввойи ҳолатда ўсиб қуриган наша ўсимлиги барги ва ширасидан териб олиб, яшаш хонадонига олиб келиб, тайёрлаб, 2024 йил 14 октябрь кунига қадар сақлаб, шу куни соат 16:30 ларда Данғара тумани, Увайсий МФЙда маҳсус харидорга озгинадан кўпроқ миқдордаги 1.88 грамм “гашиш” гиёхвандлик воситасини 580.000 сўм эвазига ўтказган вақтда Данғара туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ушланиб, гиёхвандлик воситаси ва 580.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олинган.

Жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 2024 йил 26 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ш.Шга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланди.

Махкамжон Абдубаннабов,

жиноят ишлари бўйича

Данғара туман судининг раиси